

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

АГАР МИЛЛИОН ЮТИБ ОЛСАМ...

Нурилла МИРВОСИЛОВ, 8-синф ўқувчиси:

— Аввал ютиб олай, кейин бир гап бўлар...

Яқинда биз наманганлик бир гуруҳ болаларга "Агар лоторея ўйинида миллион сўм ютиб олсангиз, нима қилган бўлардингиз?" деган савол билан мурожаат қилдик. Бу бежиз эмас, албатта. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароити нафақат катталарнинг, балки болаларнинг ҳам ишбилармон, тадбиркор, уйдабурон бўлиб улғайишларини тақазо этмоқда. Бозорнинг эса юки оғир... Шундан келиб чиқиб, мақсадимизга қай даражада эришганлигимизни сизнинг ҳукмингизга ҳавола этамиз.

Ҳабибулла УСМОНОВ, 9-синф ўқувчиси:

— Бир неча бош қорамол, сизир сотиб олиб, фермерлик хўжалиги таъкил қилардим. Бир-икки йилдан кейин қарабсизки, пулларим 2-3 баробар кўпайиб турибди-да.



Дилдора ИМОМАЛИЕВА, 9-синф ўқувчиси:

— Ногирон, майиб-мажруҳ болалар ҳақида ўйласам, юрагим ачишиб кетади. Агар омадим қулиб, шунча пул ютиб олсам, ўйлаб ҳам ўтирмай уни ана шундай кўнгли ўксик болалар яшайдиган уйларга топширган бўлардим.

Муқаддам СУЛТОНОВА, 15 ёш:

— 1 миллион сўм пул ютиб олсам, онамга берган бўлар эдим. Чунки ҳозир уларга жуда қийин. Отам икки йилдан бери ишламайдилар. Оилада 7 жонмиз. Шароитимиз оғир.



Ҳа, яқин-яқингача миллион сўмни ҳатто тасаввур ҳам қила олмас эдик. Энди-чи, кўриб турганингиздай, яхши ният қилиб, уни лоторея ўйинида ютиш, тадбиркорлик, ишбилармонлик йўли билан қўлга киритиш мумкин...

Омадингизни берсин, болалар!



Маҳмуд НУРМАТОВ, 8-синф ўқувчиси:

— 1 миллион сўм пул ютиб олсам, каттагина "Автосервис"ни сотиб олардим. Чўнтагимда доим "Сникерс", "Марс" шоколадлари бўларди.



Ҳалим ЖҲҲРАЕВ, 9-синф ўқувчиси:

— Шунча пулим бўлганида, ўзим қатнашиб келаётган мактаб бадиий ҳаваскорлик тўғрисида етишмай турган музика асбобларини сотиб олардим. Қолганига эса қишлоқ мактаблари учун ҳозирча орзу бўлиб келаётган компьютерлар совға қилардим.

АБДУРАШИД — ОБИДНИНГ ЎЗИ

Биласиз, апрель ойи "Кулги кўни" билан бошланади. Тошкент шаҳар Островский номидаги болалар ижод маркази ходимлари шу сабабдан ҳам апрель ойида "Ёш аскиячилар" кўригини ўтказишни лозим топишди. Кўрикда пойтахт мактабларида таълим оладиган, ўз дўстлари даврасида "Фалончи қизик" деб ном олган болалар иштирок этишди. Улар кўрикда асосан ҳажвий ҳикоялар ўқиб беришди, латифалар айтишди, пантомимолар кўрсатишди.



Кўрикдан сўнг орамизда Обид, Собит, Мирзаларнинг кичик авлоди етишиб чиқаётганига амин бўлдик. Энг яхши қизиқчи, деб Абдурашит Соипов ва Азимжон Тошмуҳамедов тан олинди.

Уларга кўрик ташаббускорлари таъсис этган совғалар топширилди. Айниқса, Абдурашидни ҳамма Обиднинг худди ўзи, деди.

Д.ЧОРИЕВА, Б.ТИМИРОВА,
Тошкент шаҳридаги
125-мактаб
ўқувчилари.

Келинг, гурунглашамиз

Кўришнинг мактабда ўтадиган вақтлари жуда мазмунли ва қизиқарлидир. Чунки дарслардан сўнг турли фанлардан мусобақалар, фан ҳафталиклари, мушоиралар, баҳслар бўлиб туради.

Яқинда бўлиб ўтган "Бир пиёла чай устида гурунг" эса нафақат ўқувчиларга, ўқитувчиларга ҳам, унга таклиф этилган ота-оналарга ҳам жуда манзур бўлди. Анча вақтлардан буён болалар мактаб доирасида ота-оналар билан суҳбатлашмаган эдилар. Гурунг давомида ҳар икки томон ҳам ўз

Ота-оналар ва болалар

фикрларини ўртага ташлаб, муҳокама қилдилар. Ота-оналар кўмитасининг турли тадбирлардаги иштироки камлигини, улар мактаб доирасида болалар билан кам мулоқотда бўлишадиганини болалар айтишган бўлса, ота-оналар ҳам ўз навбатида уй вазибаларнинг тайёрланиши, мактаб шанбаликлари, тадбирлари ҳақида болалар билан мунозара қилишди. "Бир пиёла чай устида" бўлиб ўтган гурунг болаларда ҳам, катталарда ҳам катта таассурот қолдирди. Бундай учрашувлар фақат фойда келтиришини ҳисобга олган ҳолда бундан кейин ҳам тез-тез гурунгга йиғилиб туришга келишиб олишди.

Розия ҚАЮМОВА,
Наманган вилояти,
Чортоқ туманидаги
19-мактаб ўқувчиси.



Биз уни уч йилга озоликдан маҳрум қилиш ҳақида қарор чиқардик. Шу билан бирга унинг ёшлигини, биринчи судланишини ҳисобга олиб, ҳукмнинг ижросини кечиктирдик.

«ОСОН ЙЎЛ ПАНД БЕРАДИ»

2-БЕТ



Бир неча кун ўтгач, мева эзилиб, бижгиб, бамисоли ошпирилган хамирга ўхшаб қолади. Кейин ундан кулча, буханка, патирик ёки батонлар ясаб, тандирга, қозонда ё кўрга кўмиб пилинлаверади.

«НОН ДАРАХТИ АТРОКАРПУС ИНТЕГРА»

3-БЕТ



Г. Гуломнинг "Сен етим эмасан" шеърини шоҳ асар деб атасак, адашмаган бўламиз. Биз унинг бу шеъри буюклиги ҳақидаги далилу исботларга берилмаймиз. Фақат унинг яратилган тарихи тўғрисида фикрлашамиз.

«ЕТИМЛИКДАН — ҲУР ЧЎҚИЛАРГА»

4-БЕТ

БОЛАЛАР ВА ҚОНУН

Асрор аканинг хонасига кирганимда у одатдагидан кўра хомуш, ўйчан ўтирар эди. Уэр сўраб телефон дастасини тутганча керакли рақамларни терди:

— Ички ишлар бўлимими? Бир соатлардан кейин бизга наряд юборинг. Бир кишини суд залидан қамоққа олишимиз керакка ўхшаб қолди.

Қамоқ... Суд... Бу сўзлар ҳар қандай кишининг ҳам қалбини ларзага солиб юборади. Мен Асрор аканинг кайфияти йўқлиги сабабини англагандек бўлдим. Демак, кимнингдир кўлига бир соатлардан сўнг кишан урилади ва панжара ортига жўнатилади.

— Гиёҳвандлик ҳақидаги бир ишни кўраётган эдик. Ёнидан кўп миқдорда наша чиққан... — деди

суд фаолияти мисолида гапириб берсангиз?

— Дарҳақиқат, жиноятчиликнинг кескин ўсиб бораётганлиги ҳаммамизни ташвишга солмоқда. Жиноятчилар орасида ўсмирлар ҳам борлиги кишини афсуслантиради. Жиноятчиликка қарши бошланган кураш ва унинг матбуотда кенг ёритилиб бораётганлиги ўсмирларни бу хавфли йўлдан қайтаришга хизмат қилади деб умид қиламан.

Ҳўн беш ёшли Руслан воқеаси ҳар жиҳатдан тенгдошларга сабоқ бўла олса ажаб эмас. У ҳеч ерда ўқимас, ишламас эди. Бекорчиликдан кўчада тентираб юрар экан, хаёлига пул ундириш фикри келди. Табиийки, пул топиш учун меҳнат қилиш керак.

кийиги қирқ йилда бўлса ҳам чиқади деганларидек, ўғирлик, талончилик ҳам очилмай қолмайди. Бироқ унда минг афсус қилган билан ўрнига келмайди. Бунни қинғир йўл билан пул топиб кун кўришни кўнглига туғиб олганлар яхшилаб ўқиб олсалар чакки бўлмасди. Масалан, бугун жазо муддатини ўтаётган Шавкат Бегимов минг афсус қилсин, барибир, ўғри деган тавқи ланнат тамғасини бўйнидан олиб ташлай олмайди. Эмин-эркин ўқиб ёки ишлаб юриш ўрнига жазо муддатини ўташга мажбур.

1992 йил ноябрь ойида Жиззах тумани, Хайробоқ қишлоғидан Жиззах шаҳрига келиб бировнинг уйдан магнитофонини олиб чиқиб кетади ва уни 1000 сўмга сотиб юборади. Пулни эса ўз манфаатлари йўлида ишлатиб юборади. Шу тариқа меҳнатсиз пул топишнинг осон йўли панд берди.

Шавкат Бегимов уч йилга озодликдан маҳрум этилди ва суд залидан қамоққа олинди.

15 ёшли Сергей Мезянец ва Наташа

Зинченколар ҳам ўғирлик билан кун ўтказишга уриниб кўрдилар. Энди бу йўл билан узоққа бориша олмасликларини тушуниб етишди. Судда минбаъд бундай ишга қўл урмасликларини айтиб, тавба-тазарру қилдилар. Суд уларнинг ешлигини, биринчи марта ўғирликка қўл уриганини ҳисобга олиб, қамоқ жазосини белгиламади.


... Ташқарига чиққанамда суд маҳкамаси ёнида анча одам тўпланган эди. Демак, суд мажлиси белгиланган вақтга оз қолган. Шу пайт бир четда сигарет тутатиб турган, соч-соқоли ўсиқ бир ўсмирга кўзим тушди. Беихтиёр Асрор аканинг ички ишлар бўлимига қилган кўнгириги ёдимга тушди.

— Наша билан тушган йигит ўшамиз?

— Ўша.

Ҳадемай суд бўлади, ҳукм ўқилади сўнг қамоқ... Лекин бунга ким айбдор, ким?...

Шоҳруҳ АҚБАРОВ.



Яғироқ яролар беради хуноб,
Мени: “қулбасида йўқ“ денг, онажон.
Қасрига чорласа саробли Азоб,
Гар келса-да жим,
Излаб келса ким
Мени: “қулбасида йўқ“ денг, онажон!

З. ҚУРБОНОВ.

Фахриддин УМРЗОҚОВ туширган сурат.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРГА
ОЧИҚ ХАТ

Ўзбекистоннинг мустақиллиги, унинг ички ва ташқи сиёсати, тинчликка интилиши, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги тадбирлари — республикамиздаги барча иқтидорли ёшларни ўз сафига жипслаштиришни мақсад қилган “ЎЗБЕКИСТОН ИЖОДКОР ЁШЛАР АССОЦИАЦИЯСИ” номли янги ёшлар ташкилотини тузиш зарурати туғилганлигидан далолат беради. Унинг аъзолари кимлар бўлиши мумкин:

— умумтаълим мактаблари, лицейлар, махсус мактаблар ва бошқа ўқув юртлари ўқувчилари;

— олий ўқув юртлари талабалари.

(фан олимпиадалари, конкурслар, спорт мусобақалар голиблари учун аъзоликка қабул қилишда имтиёзли ҳуқуқлар берилади).

“ЎЗБЕКИСТОН ИЖОДКОР ЁШЛАР АССОЦИАЦИЯСИ”нинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

— ёш ижодкорларга барча жабҳаларда ўзларини намоён эта олишлари учун кўмаклашиш;

— ёш ижодкорларнинг ижодий баркамоллигини қўллаш;

— ёш авлоднинг ижодий қобилиятини намоён этиши учун қўлай имкониятлар яратиш;

— санъат ва адабиёт, фан-техника оламидаги таниқли кишилардан устоз топишга кўмаклашиш;

— ёш ижодкорларнинг асарлари, наср, шеърларини нашр эттиришга кўмаклашиш. Шу мақсадларда ижодкорлик муаммоларига бағишланган янги ёшлар ойнамаси ташкил қилиш.

Шунингдек, Ассоциация таниқли рассомлар, шоирлар, ёш ижодкорлар жамоалари ва замонавий оригинал жанрлар артистлари, ўзбек амалий санъати усталари ҳамкорлигида Ўзбекистоннинг барча тарихий марказлари бўйлаб ёш иқтидорларни топишга хизмат қиладиган конкурслар ўтказиш учун махсус рейдлар уюштиришни режалаштирмоқда.

Буларнинг ҳаммаси келажакда, булар ҳаммаси эртанги кунда, бугун эса биз фақат бир нарсани истаймиз: ушбу мактабимизга муносабат билдириш, эътиборингизга ҳавола этилаётган сўровни тўлдириш ва уни қуйидаги манзилгоҳга юборинг: 700027, РУМЦ, (муаллимлар уйи)

Ўзбекистон кўчаси 80-уй.

Сўровнома тўлдирар экансиз, сизга маъқул бўлган жавобларнинг тағига чизиб қўйишингиз ва ўзингиз ҳақингизда қисқа маълумот беришингиз керак бўлади.

Сизларга муваффақиятлар тилаб қоламиз!

ТАШАБУСКОР ГУРУҲ.

ОСОН ЙЎЛ ПАНД
БЕРАДИ

(Жиззах шаҳар судининг раиси Асрор АҲМЕДОВ билан мулоқот)

ўйчанлик билан Асрор ака.

Сўхбатимиз шу тариқа бошланди.

— Асрор ака суд мажлиси охирига етиб, ҳукми ўқидингиз, айбдор қамоққа олинди, деб фарз қилайлик. Энди у озодликдан маҳрум бўлади. Унга ичингиз ачийдимиз?

— Албатта, ичим ачийди. Тоғни урса талқон қиладиган йигит ҳалол меҳнат қилиб, отанаси, оиласи бағрида юрса қанийди. Лекин у қонунни бузиб ҳатти-ҳаракатлари билан кимдир қон қақшатган экан, бизнинг бош вазифамиз бундайларнинг жиноятини аниқлаш, айбини бўйнига қўйиб, қилмишига яраша жазо муддатини белгилаш. Агар у жазосиз қолса янада оғирроқ жиноят содир этиши мумкин. Шунинг учун ҳам у қилмишига яраша жазо олганлигини тушуниши, ўз хатосини англаши керак. Ана шундагина жазо тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

— Кейинги пайтларда жиноятчиликка, айниқса, уюшган жиноятчиликка қарши кураш авж олдириляпти. Ана шулар ҳақида

Ишлашга эса бўйин ёр бермайди. Шунинг учун пулни ишлаб эмас, талончилик йўли билан топишга қарор қилди. Худди шу пайт дўконга кетаётган бир болакайга дуч келиб қолди: “Пулинг борми?”

“Бор, лекин...”

“Чиқар...”

Руслан боланинг жавобини ҳам кутиб ўтирмай қўлини қайириб зўравонлик билан чўнтагидан 100 сўм пулни олиб кўяди. Кейин эса терговлар... Суд жараёнида Руслан ўз айбини тўла тан олди, гувоҳлар унинг талончилик қилганлигини тасдиқлашди. Биз уни уч йил озодликдан маҳрум қилиш ҳақида қарор чиқардик. Шу билан бирга унинг ешлигини, биринчи судланишини ҳисобга олиб ҳукмнинг ижросини кечиктирдик. Агар у бундан хулоса чиқармай яна ўз билганидан қолмаса берилган жазони колонияда ўтказишга тўғри келади.

Ҳозирги пайтда ўсмирлар ўртасида кўплаб учраётган жиноятчилардан яна бири — ўғирликлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Қинғир ишнинг



Меҳнат — бола тарбиясида жуда муҳим ўрин тутати. Бу ҳар бир ота-она ва ўқитувчи учун аниқ ҳақиқат. Шунинг учун ҳам бугунги кун ўқув дастурларида меҳнат дарсларини жиддий олиб бориш, бу дарсларда фақат фойдали ишларни ўргатиш кўзда тутилган. Янгийўл шаҳридаги 17-мактабда ҳам меҳнат таълими дарслари жуда қизиқарли олиб борилади. Бугун бу мактабнинг меҳнат кабинетларида ўрнатилган турли дастгоҳлар ёрдамида болалар темирдан, ёғочдан турли буюмлар ясашни ўрганишмоқда.

Суратда: пармалаш дастгоҳи олдида Алишер Абдуҳақимов ва Аҳмадали Тошматов.

Р.АЛИБЕКОВ суратга туширган.

СЎРОВНОМА

Исм-шарифингиз _____

Вилоят _____ шаҳар _____ туман _____

_____ сон мактаб “ ” — синф ўқувчиси

Турур-жойингиз _____

1. ҚОБИЛИЯТИНГИЗ ҚАЙСИ ЙЎНАЛИШДА НАМОЁН БЎЛАДИ? (тағини чизинг)

- а) — расм соламан
б) — мусиқа билан шугулланаман (басталайман), ашула айтаман
в) — техник ижодкорликда
г) — шеър, ҳикоя ёзаман
д) — рақс тушаман

2. СЕВИМЛИ МАШҒУЛОТИНГИЗ?

- а) — спорт
б) — гуллар ўстириш
в) — аквариум балиқлари
г) — қўл меҳнати, (макрамс, тўқиш)
д) — ошпазлик

3. ЎЗ ҚОБИЛИЯТИНГИЗНИ ҚАЕРДА ТАДБИҚ ҚИЛАСИЗ?

- а) — ёшларнинг ижодкорлик уйларида
б) — мактаб тўғарақларида
в) — факультатив машғулотларда
г) — уй шароитида
д) — устоз билан (ўқитувчи)

4. ҚАЙСИ ФАОЛИЯТДА СИЗ ЮҚОРИ САМАРАДОРЛИККА ЭРИША ОЛАСИЗ?

- а) — тенгдошларим билан ҳамкорликдаги ишларда
б) — кичик ёшдаги болалар билан тушунтириш ишларини олиб боришда
в) — ахборот ва маълумот матнларини тайёрлашда
г) — меҳнат фаолиятида
д) — ёрдамга муҳтож одамлар билан мулоқатда

5. УҚУВ ЖАРАЁНИДАГИ ЮТУҚЛАРИНГИЗ?

- а) — яхши ўқийман (таълим олиш менга ёқади)
б) — ўртача ўқийман
в) — ўқишга қийналмайман, лекин ихлосим йўқ
г) — ўқишга бироз қийналаман
д) — ўқиш зарур бўлгани учунгина, мактабга бораман

6. ОЛИМПИАДА ЕКИ ТАНЛОВЛАРДА ҚАТНАШГАНМИСИЗ, ЖАВОБИНГИЗ ИЖОБИЙ БЎЛСА, УЛАРНИ КЎРСАТИНГ _____

7. ҚАЙСИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА КИРИБ ЎҚИМОҚЧИСИЗ?

Жавобларингиз учун миннатдорчилик билдирамиз.

Дейлик, бозор ёнидаги бекатдан автобусга ўтирдигиз. Сиз билан бирга дастурхон кўтарган онахон ҳам чиқди ва димоғингизга иссиқ нон иси урилди. Дилингиз орзиқди. Ундан бир тишлам бўлса ҳам егингиз келди. Беихтиёр хаёлингизга бувингизнинг тандир олдида иссиқ кулча улашганию уни қўлингиз кукякуя совуқ сувга бўктириб, паққос туширганингиз келди. Иссиқ бўлка нонга сарёғ ва мураббо суртиб еганингиз-чи, қандай маза-а...

Нон — дастурхон кўрки, одамлар кўнглига урмайдиган егулик, неъмат. Кези келса, кишилар "нон ҳаққи" дея қасам ичувчи муқаддас нарса. Биз уни кўзимизга тўтиё қиламиз, бешикдаги чақалоқ бошига қўямиз, ҳарбийга кетаётган йигитни нон тишлатиб жўнатамиз...

Юқори Чирчиқ тумани, "Янги бозор" қўрғонидаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш комбинати директори Тўхтамурод ака Усмонов бугун шу нон қадрни, уни тайёрлаш машаққатлари ҳақида Сизларга ҳикоя қилади.



— Ўзи нон қачон пайдо бўлган? Буни ҳамма ҳам билвермас керак. Ваҳоланки, ноннинг кашфиёти худди олов, атом кашф этилиши сингари айрим шахс ёки бир неча киши томонидан эмас, балки кўп минг йиллар давомида ажойиб воқеалар асосида инсоният томонидан кашф этилган. Манбаларда айтилишича, 5-7 минг йил илгари бўғдой, арпа, шולי сингари бошоқли ўсимликларни, 4 минг йил илгари эса макка ва тарикни маданийлаштириш, ундан нон тайёрлаш усули топилган. Унга қадар

комбинатимизда бир кунда 14 тонна нон маҳсулотлари тайёрлаймиз. Бу дегани 102.000 кишилик туманимиз аҳли эҳтиёжини қондиришдир. 100 нафар ишчимиз бўлиб, улар бўлка нон тайёрлаш ва булочка маҳсулотлари цехларида меҳнат қиладилар.

Нон тайёрлашнинг ўзига хос машаққатлари бор. Аҳолига эрталабки иссиқ нонни етказиб бериш учун кечаси ишлаш керак. Айниқса, ёзнинг диққинафас кунларида иссиқ печлар олдида туришнинг ўзи

квадрат метр ер майдони зарур бўлар экан, у ҳолда ҳар биримизга нон етиштириб бериш учун 0,575 гектар майдон зарур бўлади! Мен демоқчиманки, нонни тежаш, уни исроф қилмаслик нақадар аҳамиятли экан.

Бир куни 8-синфда ўқийдиган Дилмурод ўғлим "Ада, сиз чиқараётган булочкалар катта ва ширин эмас, шунинг учун болалар ярмини емай, парталарда қолдириб кетишади" деб қолди. Ўйлаб кўрсам, унинг эътирозиди жон

ёрдам кўрсатиб келамиз. Мавриди келиб айтмоқчиманки, яхши бўларди, агар ўқитувчиларимиз ўз ўқувчилари билан корхоналаримизга тез-тез экскурсиялар уюштириб турсалар. Шунда болалар ноннинг катта меҳнат эвазига тайёр бўлишини кўриб, уни яна ҳам қаттиқроқ эъзозлаган бўлар эдилар.

Энди корхонамиз ютуқлари ҳақида гапирадиган бўлсак, ўтган йили вилоят миқёсида нон маҳсулотлари тайёрлаш сифати ва миқдори бўйича 2 марта 1-ўринни ва 2 марта 2-ўринларни қўлга киритдик. Ишчиларимиз манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш борасида эса 2 миллиону 200.000 сўм сарф этдик. Бундан руҳланган корхонамиз меҳнаткашлари элимизга яна ҳам яхши хизмат қилмоқдалар.



Фикрим якунида шунини таъкидламоқчиманки, фарзандларимиз доимо нонни эъзозлашсин, уни исроф қилишмасин.

СУРАТЛАРДА: сиз маза қилиб ейдиган иссиқ нон ва булочкаларни шундай тайёрлашади.

Р. АЛБЕКОВ олган суратлар.



НОН ДАРАХТИ АТРОКАРПУС ИНТЕГРА

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ, "ЯНГИ БОЗОР" ҚўРҒОНИДАГИ НОН МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИ ДИРЕКТОРИ ТўХТАМУРОД АКА УСМОНОВ НОН ВА УНИНГ ҚАДРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.

одамлар ўз эҳтиёжларини "даррахт нонлари" ҳисобига қондиришлар. Эндиликда илмий номи билан Атрокарпус Интегра деб аталувчи мазкур ўсимлик қадимдан маълум бўлган даррахтдир. Африкаликлар ҳанузгача мазкур даррахтнинг қовунсимон мевасидан нон тайёрлашади. Тайёрлаш усули ҳам бизга ибтидоийлигича етиб келган: ерда чуқурлиги бир метр, эни 15 метр бўлган ўра қазилади, унинг ости ва деворлари тупроқдан муҳофаза қилиш мақсадида банан даррахти барглари билан ёпилади. Етилган мевалар ўзиб олиниб, ҳар жой-ҳар жойда чўп урилиб, тешилади ва ўрага ташлаб қўйилади. Бир неча кун ўтгач, мева эзилиб, бижгиб, бамисоли оширилган хамирга ўхшаб қолади. Кейин ундан кулча, буханка, патир ёки батонлар ясаб, тандирда, қозонда ё кўрға кўмиб пиширилади.

Энди эса биз

бўлмайди. Бир томондан, пиширишда рецептга риоя қилмаслик — хамирга керакли масалликларни меъёрида солмаслик, хамирни яхши ачитмаслик ёки ўтказиб юбориш натижасида ноннинг сифати бузилади. Бу хатони тўғрилаш учун эса камида 5-6 соат керак бўлади. Иккин-

борга ўхшайди. Шундан кейин жамоамиз билан келишиб, 200 граммли булочкани 100 граммдан ширинроқ қилиб чиқара бошладик. Ўйлаёмизки, бу исрофгарчиликнинг олдини олади.

Ҳозир комбинатимиз туманимиз мактабларидаги 9.500 ўқувчининг нонуштасига ҳар куни бир донадан булочка етказиб беради. Шунингдек, айрим боғча ва мактабларга ҳам моддий



чидан, ёпиш жараёнида технологик режимга риоя қилинмай, мағизи хом бўлиб куйдириб юборилади.

Биласизми, ўрта ҳисобда ҳар биримиз кунига қанча нон еймиз? 400 грамм! Бир ойда 12 килограмм, бир йилда 144 килограмм. Энди агар бир килограммли нон етиштириш учун эса тўрт

Фойдали маслаҳатлар

Айтайлик, уйингизда юмшоқ нон тугаб қолди, лекин суви қочган ёки қаттиқ нонни эҳтиёт қилиб қўйгандирсиз. Уни янгилаш мумкин эмасмикан? Мумкин. Бу осон. Қаттиқ нонни бир оз ивтиб, суви қочган нонни эса ҳўллайсиз. Ҳар иккаласини манти қосқон лаппакларига қўйиб бутласангиз билқиллаб қолади. Шу усулда ортан қатлама, сомса ва бўгирсоқларни ташлаб юбормай "яшартириб" ейилса, исрофгарчилик ҳам анча барҳам топади.

Нон толқондан кисель тайёрлаш мумкин. Бунинг учун толқонга бир оз сув қўшиб ийланади, қаймоқ қуюқлигига келганда сут қўшилади-да, сутни оловга қўйиб, муттасил кавлаб турган ҳолда ўн минутча қайнатилади, сўнгра шакар ёки суялтирилган асал аралаштириб совутилади. Яхнагина бундай кисель кишига анча хузур бахш этади.

Қаттиқ нонни мясорубкадан ўтказсангиз толқон бўлади. Уни элакдан ўтказиб, пича илиқ сувга эритилган асал қўшиб нон толқондан хамир қоринг. Кейин ёнғокдай-ёнғокдай келадиган қилиб юмалатингда патнис ёлганган духовкага қўйиб қизартиринг. Кўрибсизки, ажойиб печеньелар ҳосил бўлибти.

ҒАҒУР ҒУЛОМ ТАВАЛЛУДИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Шу кунларда жумҳуриятимизда шоир Ғафур Ғулом таваллудининг 90 йиллиги олдидан ижод аҳлининг халқ, китобхонлар билан учрашувлари, адабнинг бой ижодий меросини янада чуқурроқ ўрганашга бағишланган анжуманлар бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасида, Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида, Тошкент Давлат Дорилфуқинида ва бошқа бир қанча жойлардаги учрашувлар халқнинг шоирга муҳаббати чексиз эканлигини кўрсатиб турибди. Хатто, англиялик Антон Хаймер ҳам "Ғафур Ғулом ўй-музейи"да бўлиб, юқоридаги гапларни тасдиқлади.

Биз ҳам шу муносабат билан шоир ижодига бир назар ташлашни жоиз, деб топдик.

Машойхлар шундай ривоят қиладилар: қадимда уч ўртоқ бир маликанинг ҳаётини сақлаб қолиш ниятида уч мўъжизадан фойдаланишган экан. Уч ўртоқнинг бири кўзгу ёрдамида олис юртларда бетоб ётган маликани кўради. Иккинчиси эса учар гилами билан дўстларини ўша юртга олиб боради. Сўнгисиси эса сеҳрли олма ёрдамида бетоб маликани даволайди. Шунда уч ўртоқ маликанинг ҳаётини ким сақлаб қолди, дея баҳсга киришади. Бизнингча айнан учала ўртоқнинг мўъжизаси туфайли малика омон қолди.

Истеъдод, бадий асарга "жон киритиш" ҳақида ҳам шуни айтса бўлади. Ижод аҳлининг кўзгуси — қузатувчанлиги, учар гилами — хаёли, сеҳрли олмаси эса унинг истеъдодидир.

Биз ушбу қораламада етук истеъдод соҳиби, адабиётимиз фахри бўлган асарлар муаллифи Ғафур Ғулом ижодининг айрим қирралари тўғрисида мулоҳазалашмоқчимиз.

Ғ. Ғуломнинг "Сен етим эмассан" шеърини шоҳ асар деб аташса, адашмаган бўламиз. Биз унинг бу шеъри буюклиги

шу болалар аҳволи, ҳукуматимизнинг гўдакларга ғамхўрлиги тўғрисида шеър ёздим. Шу шеъримни биринчи десам бўлади...

**Сен етим эмассан,
Тинчлан, жигарим..."**

Энди шошманг, нега у болаларни, яна уларнинг бошини силагувчи кимсаси йўқ етим болаларни қаттиқ севар эди? Ахир уруш даҳшатларини бева

маҳалласидаги ўз ҳовлимизда вафот қилди... Ҳовли бўлганда ҳам қандай денг?! Қўрғонтегида, яъни "на дне"да 15 квадрат саженли заҳкаш, тутдай тўкилай деб турган ҳовлида ўпка шамоллашдан ўлди. Унга ҳеч ким дўхтир чақиргани, банка ҳам қўйганича йўқ, пенициллин билан ҳам укол қилгани йўқ. Биз беш етим

Етимликдан — хур чўққиларга

ҳақидаги далилу исботларга берилмаймиз. Фақат унинг яратилиш тарихи тўғрисида фикрлашамиз.

Хўш, бу асарни ёзиш нияти қачон пайдо бўлган?

Шоир ёзади: **"Бир кун болалар боғчасидаги етим болалардан 15 тасини бизнинг интернатга ўтказдилар. Мен бу гўдаклар билан бирга тунаб қолдим. Кечаси ўхламай қузатувчилик қилиб чиқдим. Шу кеча ўз етимлигим, бошимдан кечирганларим ва**

қолган аёллар, ўғилларидан жудо бўлган ота-оналар, вужудининг бир қисмидан ажралиб, жангоҳларни ташлаб қайтган аскарлар қисмати билан очиб бериши мумкин эдику? Йўқ, бу сўнгисизи саволлар шеър тарихини очиб беролмайди. Бу нарса шоир қалбига нечоғлик яқин ва ошно бўлганлигини унинг "Кечмиш ва кечмишларимдан" деб номланган таржимаи ҳолидан билиб олиш мумкин.

Шоир ёзади: **"Отам 1912 йилда, 44 ёшида... Қўрғонтеги**

бола қола бердик. Мен 9 ёшда, энг кичик синглим — Баҳри 6 ойлик эди.


**Мен етим ўтганман,
Оҳ, у етимлик..."**

Ана энди шоирнинг ички руҳий кечинмаларига тушуниш ва унга қўшилиб ҳамдардона "оҳ" тортиш мумкин. Шу боисдан етимлар қисмати шоир юрагида ўзгача дард бўлиб ҳайқиради, бу ҳайқириқ раҳм-шавқат, меҳр-муҳаббат каби тушунчаларга айланади.

Ғ. Ғулом бу дардларни ҳаводан ёинки аτροφидани одамлардан олмайди, балки ("Инсон ўз ихтиёри билан тўқиб чиқармайди". В. Шкловский) буни ўз дардидан, ўз оғир қисматларидан келиб чиқиб ёзади...

Ҳа, у ўз ижодини етимлик мавзуси билан бошлаб, хур чўққиларга кўтарилди.

Шакар СУННАТОВ.



Қишлоғимиз четиде қаққайиб турган қўхна масжид мезонасидаги лайлак уяси мен тугилмасдан ҳам илгари бўлган экан. Ҳар йил қишлоғимизга баҳорни шу лайлаклар бошлаб келишади. Уларнинг келиши, биз болаларга олам-олам қувонч бахшида ётади. Йўлдан ўтган йўловчилар ҳам бир зум тўхтаб, илиқ табассум-ла уларга тикила-тикила ўтиб кетишади. Уч-тўрт кунгача лайлакларни ким биринчи бўлиб кўрганлиги ҳақида тортишиб юрамиз. Ҳар кун масжид ёнида лайлакларнинг "қуқур-қуқури"га маҳлиё бўлиб, ўт-ўланлар

Азиз ижодкор ўқувчилар! Ёдингизда бўлса, газетамизнинг шу йилги 5-сониде **"ИЖОДКОР ЎҚУВЧИЛАР КОНКУРСИ"**ни бошлаган эдик. Орадан сезиларли вақт ўтмаган бўлса-де, муҳарририятимизга талайгина машқлар кела бошлади.

Бу — ижодкор ўқувчилар машқлари билан танишиб чиқар экансан, бенхтиёр таниқли шоиримизнинг **"Икки фарзанд тугилса, бири — Алишер"** деган сатрлари ёдимга тушади. Бу бежиз эмас. Негаки, бу табарруқ заминининг икки фарзандидан бирининг кўнглига албатта шоир бўлиш орзуси тушади, асли шоиртабнат халқимиз-да...

Биз бугун ушбу конкурсда ўз машқлари билан қатнашиш истаги бор ижодкор ўқувчиларга яна бир бор унинг шартлари билан таништиришни лозим деб топдик.

Конкурсда шеър, эртак, ҳикоя, расм, ҳажвия ҳамда ўзи севган асарларига тақриз ёзоладиган, яхши расм арчиз оладиган болалар ва ўсмирлар қатнашишлари мумкин. Бу конкурсда танлов ҳайъати томонидан (машқлар шу йилнинг 31 декабригача қабул қилинади) ҳар томонлама тугал ва энг яхши деб баҳоланган ишлар муаллифлари мукофотлар (бу ҳозиргача сир) **БИЛАН ТАҚДИРЛАНИБ**, севимли шоирлар, адиблар, рассомлар, ҳикоячилар, танқидчилар билан юзма-юз учрашиш учун **МУҲАРРИРИЯТИМИЗГА ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ.**

Шундай қилиб, **"ИЖОДКОР ЎҚУВЧИЛАР КОНКУРСИ"**га марҳамат! **ИМКОНИЯТНИ ҚўЛДАН БОЙ БЕРМАНГ.** Қўйида эса конкурсга юборилган машқлар билан танишасиз.

АДАБИЁТ ВА САҒЪАТ БўЛИМИ.

БАРВАҚТ КЕЛГАН ЛАЙЛАКЛАР

ҲИКОЯ

устада юмалаганча кун кеч бўлганлигини ҳам сезмай қоламиз.

Мана бугун лайлакларнинг келганига уч кун бўлди. Лекин қувончимиз узоққа чўзилмади. Кетма-кет икки марта қор ёғдию, аччиқ совуқ бошланди.

Уясида дирдираб турган лайлакларни кўриб, биз жуда-жуда ачинардик. Катталар ҳам оғир хўрсинишганча уларга "шошилибсизларда" деб қўйишарди. Ачинганимиздан болалар билан мактабга ўтиш-қайтишда, бечора лайлакларга нон

ушоқларини ташлаб ўтардик.

Бир кун мактабдан қайтаётим, масжид мезонасида лайлакларни учратмадим.

Кўзларимга ишонмай ўша томон югурдим. Опоқ қор билан қопланган ошён бўш, лайлаклар эса кўринмасди. "Ниҳоят қайтиб кетишибди-да" деб ўзимга ўзим таскин берганча, ортимга қайтдим.



Совуқ кундан-кунга зўраярди. Қор бир ойгача ердан кўтарилмади. Қаттиқ совуқ кунларининг бирида бобомниқига ўтин ёришга бордим уй бурчагида хурпайишиб турган лайлакларни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолдим.

Мени қузатиб турган бобом лайлакларни кўрсатиб: — Совуқда қиришиб кетмасин деб, иссиқинада боқиб ўтирибман, болам.

Буларда нима айб, бироз шошилибди холос. Бахтига қиш ҳам чўзилиб кетди-да, — дедилар.

Кунлар ўтди. Яна қуёш кулиб боқди. Қорлар эриб, анҳорлар тўлиб-тошди. Бир кун мактабдан қайтаётсам, масжид мезонасида бир-бирини эркалаганча, ўша лайлаклар туришарди. Қишлоғимизга энди баҳор келган эди-да! Уни ўша лайлаклар олиб келишганди. Ҳа, ўша лайлаклар!

... Бизнинг шодлигимиз ва қувончимизни ардоқлаб асраган, меҳрибон бобомни эса мендан бошқа ҳеч ким эсламади.

Шаҳло АҲМЕДОВА,
Қарши шаҳридаги 8-мактаб ўқувчиси.



Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОДОВ.

Таҳрир ҳайъати:
Ф. ЖАЛИЛОВА, Г. КАРИМОВ, А. КҮЧИМОВ,
М. ПИРМАТОВ /масъула қотиб/,
М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Ш. СУННАТОВ,
Д. ТУРАХМЕТОВА.

Тасвир этавчи:

ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИҒОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚўМИТАСИ
Газета 1929 йил, 1 августдан
«ЛЕНИН УЧҚУНИ» номи билан
чизиб бошланди.

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ:
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КҮЧАСИ, 32-УЙ.
Намр кўрсаткичи: 64563
Чоп этиш вақти — 18.00.

Газета ҳафтанинг сешанба кунини чиқари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги **"ШАРҚ"** нашриёт-матбаа концерни

Газета IBM компютериде терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: **"Буюк Турон"** кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г—234. 57149 нускада босилди. Ҳажми — 1 босма табоқ. Оффсет усулида босилган. Қогоз бичими А—3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.